

ХУКМ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Обидов Толибжон Авазхонович

ТДЮУ мустақил изланувчиси

Хукм ягона хужжат бўлғанлиги боис айрим айланувчиларга нисбатан айлов, бошқаларига нисбатан эса оқлов ҳукми қабул қилиниши мумкин. ЖПКга кўра хукм аниқ далилларга асослаган ва ушбу далиллар суд муҳокамаси жараёнининг муҳим этапи бўлган суд тергов босқичида текширилган бўлиши талаб қилинади. Бу борада К.Ф.Гуценконинг фикрлари ўринли бўлиб, унга кўра айлов ҳукми айбиззлик презумпцияси қоидаларидан келиб чиқиб, тахминларга асосланмаслиги, балки аниқ текширилган далилларга асосланиши талаб қилинади¹. ЖПКнинг 463-моддасига асосан, айлов ҳукми барча ҳолатларни текшириш, камчиликларни тўлдириш, қарама-қаршиликлар бўлмаслигини таъминлашга оид ишончли далилларга асосланади. В.С.Авдонкиннинг фикрича, айлов ҳукми – мантикий кетма-кетликда қонуний,adolатли, асосли тарзда тузилган, далилларга асосланган процесуал ҳужжат саналади.² Ушбу тушунча айлов ҳукмига оид умумий жиҳатларни изоҳлаш билан чегараланганд ҳисобланади. И.А.Остапенконинг фикрича, айлов ҳукми – судланувчининг айборлигини аниқлаш масалалари бўйича давлат номидан суд мажлисида қабул қилинган, айлов доирасида жиноят содир этилганлиги ва айборга нисбатан жазо қўллашга оид жиноят иши бўйича қонуний кучга эга бўлган якуний қарордир.³ Ушбу тушунчага тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки айлов ҳукми доирасида нафақат жазо балки бошқа хукуқий таъсир чорасини ҳам қўлланилиши мумкин саналади. А.М.Гамидов,

¹ Уголовный процесс. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. /Под ред. К.Ф.Гуценко Изд. 3-е, перераб. и доп. – М.: Зерцало, 1999. –С.379

² Авдонкин В.С. Структура обвинительного приговора, постановляемого в общем порядке. //Уголовный процесс. - 2022.-№7.-С.24.

³ Остапенко И.А. Приговор как итоговое решение по уголовному делу. Автореферат. 12.00.09, кандидат юридических наук. – Владимир: 2007. –С.14.

П.А.Алиеваларнинг фикрича, айблов ҳукми – суд томонидан далиллар билан исбот қилинган судланувчини айбдор деб топиш ҳамда унга нисбатан жазо чорасини қўллаш ёки қўлламаслик, айрим ҳолатларда эса жазодан озод қилишни ўзида ифода этувчи одил судлов актидир.⁴ Ушбу тушунчада бошқа тушунчаларга нисбан аникроқ бўлсада, ҳукмнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олмаган. Шахсга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўлланилиши каби мухим масалалар ёритилмаган. Юқоридагилар асосида хуносидан чиқариладиган, судьяларнинг жиноят бўйича берилган жиноий-хуқукий баҳоси ҳамда жиноят туфайли келиб чиқсан хуқукий оқибатларни бевосита ва холисона акс эттириш, айбдор шахсга нисбатан жазо ёки бошқа хуқукий таъсир чораларини қўллаш, жабрланувчининг бузилган хуқуқларини тиклаш ҳамда етказилган заарни ундиришга қаратилган қарори акс этган процессуал ҳужжат ҳисобланади. Демак, ҳукм, шу жумладан айблов ҳукми муайян жиноят ишини баҳоловчи ўша жараён учун якуний суд қарори ҳисобланади. Унинг қабул қилиниши барча учун мажбурий бўлган оқибатларни юзага келишига сабаб бўлади.

Айблов ҳукмини чиқаришида текширилган, камчиликлари тўлдирилган, шубҳа ва гумон, зиддиятларга барҳам берилган ишончли далиллар асос қилиб олинниши шарт.

Фикримизча, айблов ҳукмини чиқариш асослари қонунчиликда етарли даражада шакллантирилмаган. Шу боис, ЖПКнинг 463-моддаси суд жазо тайинламасдан айблов ҳукмини чиқарадиган ҳолатлар акс этган учинчи қисми “маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан эришиш мумкин бўлса;”⁵ мазмундаги 4-бандини куйидаги мазмундаги сўзлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

⁴ Гамидов А.М., Алиева П.А. Обвинительный и оправдательный приговор: сравнительный анализ. //Закон и право. - 2021. -№10. –С.125.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил. Lex.uz сайти.

“маҳкумнинг тузалишига жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриши ёхуд боиқа жиноий ҳуқуқий-таъсир чораларини қўллаш йўли билан эришиши мумкин бўлса;”. Чунки жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чораларидан ташқари ҳуқуқий таъсир чоралари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мавжудлиги ҳам суд жазо тайинламасдан айлов ҳукмини чиқарадиган ҳолатлар қаторига киритилиши лозим. Фикримизча, процессуал келишув институтини такомиллаштириб, унинг оқибатлари қаторига жазони ўташ ёки жазони ўташдан озод қилишни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ саналади. Ушбу асослар мавжуд бўлганда, одатда жиноят ишлари судда жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш орқали якунланади. Маънавий зарар миқдорини белгилаш борасидаги суд амалиётини кўрадиган бўлсак, судлар томонидан даъвогарлар тақдим этаётган даъво аризасида маънавий зарарни қоплашни сўраган миқдордан жуда кам миқдорда қаноатлантирилган. Бу эса даъво аризаси тақдим этаётган жабрланувчилар ва судьялар учун маънавий зарар миқдорини аниqlаш учун аниқ мезонларнинг йўқлигидан далолат беради. Судлар маънавий зарарни қоплаш масаласида баъзида қоплаш учун талаб қилинган миқдорга унчалик аҳамият бермасдан, ҳеч қандай асоссиз маънавий зарар миқдори камайтириш ҳоллари ҳам учраб туради⁶. Ҳукмнинг яна бир тури бу оқлов ҳукми ҳисобланади. Оқлов ҳукми юзасидан ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Оқлов ҳукми одил судловни таъминлашнинг айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан айлов ҳукмини қўллаш сингари бир шакли ҳисобланади.⁷

И.И.Самсоновнинг фикрича, оқлов ҳукми терговчи томонидан амалга оширилган ҳаракатларни нотўғрилигини, далилларни аниqlашда қонунбузилишига йўл қўйилганлиги исботловчи ҳамда уни ваколатларини

⁶ Насриев И. Маънавий зарар, уни қоплашнинг айрим муаммолари. //Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. -2017. -№ 3. – Б.75.

⁷ Ветрова Г.Н. Санкции в судебном праве. –М.: 1991. –С.160.

чекловчи процесуал ҳужжатдир.⁸ Фикримизча, ушбу процесуал ҳужжат тергов органларининг ваколатларини чекловчи эмас, балки айблов етарли асосланмаганлиги сабабли айбсизлик презумцияси принципи талаблари устун келиши ҳисобланади. Шу сабабли ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. И.Л.Петрухиннинг фикрича, оқлов ҳукми – расмий равишда судланувчининг айбсизлигини эълон қилиш ва кафолатлашда акс эттирувчи суд ҳокимиятининг ҳужжати ҳисобланади⁹. Ушбу тушунча оқлов ҳукмини ҳамма элементларини тўлиқ акс эттирмайди. Аммо айрим олимлар ушбу ҳаракатлар суд учун қилинганлигини инкор қилиш мумкин эмас¹⁰, деган эди. М.И.Пастуховнинг фикрича, оқлов ҳукми оқлаш ва реабилитация сингари иккита алоҳида ҳуқуқий институт саналади. Шахсни оқлаш уни реабилитация қилишнинг бошланғич жараёнида амалга оширилади, реабилитация эса оқловнинг давоми ҳисобланади.¹¹ Ушбу икки олимнинг фикрлари ҳам оқлов ҳукми орқали адолат тикланади.

Оқлов ҳукми қўйидагича хусусиятларга эга:

- оқлов ҳукми шахсни унинг айби бўлмай туриб, жиноий жавобгарликка тортишга қилинган ҳаракатга нисбатан ўзига хос норозилик, яъни санкция ҳисобланади;
- оқлов ҳукмининг ҳаммаси ҳам шахснинг айбсиз, бегуноҳ эканлигини билдирамайди. Яъни давлат ваколатли органларнинг сифатсиз иши орқали “латент оқлаш”, жиноий ҳаракатлари исботланмаганлиги учун судланувчини оқлашга мажбур бўлади¹²».

Шу ўринда Д.Чориева: “ҳимоячини исбот қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахс сифатида кўрсатиш лозим”, деб ҳисоблайди¹³. Б.Саломов

⁸ Самсонов И.И. Сущность и социально-ценное значение оправдательного приговора // Вестник Удмуртского университета. -2011. -№4. –С.144.

⁹ Петрухин И.Л. Оправдательный приговор и право на реабилитацию: монография. -М.: Проспект, 2009. –С.192.

¹⁰ Мартинчек Е.Г. Основы формирования приговора в уголовном процессе. Монография. –Кишинев: 1998. –С.201.

¹¹ Пастухов М.И. Оправдание подсудимова. –Минск: 1995. –С.112.

¹² Миронова М.А. Оправдательный приговор как акт судебной реабилитации подсудимого// Юридический вестник Самарского университета. Т.2. -2016. -№4. –С.99.

¹³ Чориева Д. Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтиришмасалалари. Автореф. ю.ф.н. –Т. 2021. –Б. 8.

ёзганидек, «адвокатнинг вазифаси жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган ёхуд судланаётган шахсни ҳар қандай усул ва воситалар билан ҳимоя қилиб, ўз ҳимоясидагига нисбатан оқлов ҳукмини чиқаришга эришиш, жиноятни хаспўшлашга, айборни ҳақли жазодан қутқариб қолишга эмас, балки одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериш, шахсга нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усуллар қўлланишига йўл қўймаслик, айбланувчи шахснинг ҳаракатини тўғри ҳуқуқий малакалашга ва жиноятига яраша адолатли жазо тайинланишига эришиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга кўмаклашишдир».¹⁴ Г.Тулаганова, “одил судловнинг энг муҳим кафолатларидан бири тортишувчилик принципидир. Бу принцип қачонки ишда малакали процессуал рақиблар – давлат номидан давлат айловчиси сифатида прокурор ва ҳимоячи ролида адвокат қатнашганда юзага келади. Адолатли ҳукм чиқиши учун уларнинг ўзаро интеллектуал кураши зарур” деб ҳисоблайди¹⁵. К.Мавлонов эса, “шахснинг қилмишига ҳуқуқий баҳо жиноят ишини юритишнинг тергов босқичида прокурор, судда эса судья томонидан берилиши зарур. Даилилар тўлиқ йиғилгандан сўнг шахсни айблаш керак. Бунда айлов хулосаси ёки далолатномаси бутун тергов жараёнига якуний баҳо беради. Бошқача айтганда, тергов жараёнида шахсни айблаш масаласи давлат айлов ҳокимияти органи томонидан ҳал этилиши лозим”¹⁶, дейди. Судланувчининг юқорида тилга олинган асосларга кўра, оқланганлиги унинг мазкур жиноят иши юзасидан тўлиқ реабилитация қилинганлигини, жиноятга алоқадор эмаслигини англатади. Шу билан бирга бу асослар орасида тафовутлар ҳам мавжуд бўлиб, суд оқлов ҳукмини чиқараётганда фуқаровий даъвони қондиришни рад этади.

¹⁴ Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. –Т.: Адолат, 2000. –Б. 8.

¹⁵ Тулаганова Г. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма. –Т. 2005. –Б. 14.

¹⁶ Мавлонов К. Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари. Автореф. ю.ф.н. –Т. 2022. –Б. 14.